O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2009 йил 8 август ШАНБА
№ 63 (12.179)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

www.th.uz





Юқоричирчиқ туманида Ўзбекистон – Россия – Туркия давлатлари ишбилармонлари ҳамкорлигида йил бошида ташкил этилган "SOLEY TEXSTILE" қўшма корхонаси россиялик буюртмачиларга тоза пахта хом ашёсидан тайёрланган 1 миллион 589,3 минг АҚШ доллари ҳисобида болаларбоп трикотаж буюмлари етказиб берди.

## ВИЛОЯТДАН ХОРИЖГА



Мамлакатимиз экспорт салоҳиятининг ошишига улуш қўшаётган корхонада ҳозирги кунда 200 дан зиёд киши меҳнат қилаяпти. Жамоа раҳбари Козимбей Чатал Тарланинг таъкидлашича, йил охирига бориб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми 1,5 баравар ошиши ҳамда маҳаллий аҳоли учун яна 70 та иш ўринлари яратилиши кутилмоқда.



СУРАТЛАРДА: хорижга чиқарилаётган маҳсулотлар мана шу чевар қўллардан ўтади.

Мунаввара РАЖАББОЙ қизи олган суратлар.

**Ўтиб бораётган ҳар бир дақиқа бизни энг улуғ, энг азиз кун – мустақиллигимизнинг 18 йиллиги нишонланадиган муборак айёмга яқинлаштирмоқда. Халқимизда байрамни муносиб кутиб олиш, жойларда ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларини амалга ошириш яхши анъанага айланган. Бугун вилоятимизнинг қайси бир гўшасига борманг, албатта, катта-кичик қурилишлар устидан чиқишингиз табиий.**




## БАЙРАМГА ЯРАША ТУҲФАЛАР БИСЁР

### КОНЧИЛАРГА СОВҒА

Олмалиқ шаҳрида бунга яққол амин бўлдик. Кўча ва хиёбонларнинг обод ва кўркамлиги кўзни қувонтиради. Йўл бўйида қад ростлаган баланд қаватли уйлар ҳам эътибордан четда қолмаган. Равон йўлдан юрар эканмиз, икки четдаги анвойи гуллар бизга пойтахт кўчаларини эслатарди. Диққатимизни шаҳар марказидаги бир иншоот ўзига тортди.

– Бу қайта таъмирланаётган кончилик касб-ҳунар коллежи, – дейди шаҳар ҳокимлиги бош мутахассиси Тўрахон Алламуродов. – Коллежда 2008 йилнинг ноябрь ойида бошланган капитал таъмирлаш ишлари мамлакатимиз мустақиллиги арафасида якунланади. "Тошкент – Қурилиш сервис" масъулияти чекланган жамият амалга ошираётган капитал таъмирлаш учун 1 миллиард 917 миллион сўм маблағ ажратилган бўлиб, шу кунгача 1 миллиард 520 минг сўмлик иш бажарилди. Эшик ва ромлар янгиланди. Канализация, совуқ сув ва иссиқлик қувурлари алмаштирилди. Фойе, спорт ва маданият зали, ошхона ҳам алоҳида эътибор билан таъмирланди.

– 825 ўринга мўлжалланган коллеж биносида айни вақтда капитал таъмирлаш ишлари 90 фоизга бажарилди, – дейди коллеж директори Азиз Жуманов. – Қурувчилардан жуда миннатдормиз, ишни сифатли бажаришяпти. Барча ишлар август ойи ўрталарида тугатилади. 2009-2010 ўқув йилини мана шундай янги қиёфадаги кўркам бинода бошлаймиз.

### «ОЛТИН ОЛМА...»

Олмалиқ – саноат шаҳри. Бу ерда бир қатор йирик корхоналар фаолият кўрсатади. Айниқса, "Олмалиқ кон металлургия комбинати" очиқ акциядорлик жамияти ўзининг нуфузи билан нафақат Марказий Осиёга, балки Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларига ҳам маълум ва машҳурдир. Бугунги кунда комбинатда 25 мингдан зиёд ишчи ва хизматчи фаолият кўрсатаётир. Байрам арафасида кончиларга муносиб совға тайёрланди. Бир неча йиллардан бери қаровсиз ётган майдонда мўъжазгина дам олиш ва истироҳат боғи яратилди.

– Қисқа фурсат – бор йўғи 2 ой давомида бунёд этилган хиёбон бугунги кунда кўпчиликка манзур бўлмоқда, – дейди комбинат ахборот маркази раҳбари Ойсара Дадаева. – Хиёбонда сунъий тоғ шаршараси ҳамда катта олма қурувчилар томонидан усталик билан бунёд этилди. Худди табиий, дейсиз. Ундан ташқари боғ атрофига Самарқанд, Ангрен шаҳарларидан ноёб кўчатлар келтириб ўтқазилди. Корхона ташаббуси ва ҳашар йўли билан барпо этилган "Олтин олма" хиёбони бугун кўпчиликнинг севимли дам олиш масканига айланди. Шунингдек, "Олеся" боғида ташкил этилган жонли бурчак комбинат жамоасининг шаҳримиз аҳли ва фарзандларига мустақиллик байрами олдидан яна бир ажойиб туҳфаси бўлди. Комбинат корхоналари томонидан кичкина ҳайвонот оламига келтирилган турли хил жониворлар – қуён, каклик, япон товуғи-ю, бургутлар, кабутарлар ҳамда товуслар болажонларга бир олам завқ улашмоқда.

Бундан ташқари куни кеча фойдаланишга топширилган "Дельфин" сув ҳавзаси ҳам кўпчиликни хушнуд этаётир. Бир пайтлари ташландиқ ҳолга тушиб қолган ҳовуз қисқа фурсатда қайтадан мукаммал таъмирланди. Бугунги ёзнинг жазирама иссиқ кунларида янги сув ҳавзаси болажонлар гавжум масканга айланиб улгурди.

Шаҳарда йўлсозликка эътибор катта. Байрам арафасида Амир Темур кўчасининг сал кам 5 километри янгидан асфальт қилинди. Шаҳарнинг ички йўлларига ҳам аҳамият берилаётгани бизни қувонтирди.

**Улуғбек ҲАМРОҚУЛОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

*Фармон ва ижро*

## ПАСПОРТ ТАРТИБОТИДА ЯНГИЛИК

**Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига кўра, мамлакатимизда 2010 йилнинг 1 январидан эътиборан янги, биометрик маълумотларга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти жорий этилади.**

Биометрик паспортлар шахсни тасдиқловчи ҳужжатларнинг қалбакилаштирилишига қарши ҳимоя даражасини ошириш, давлат чегарасидан ўтишда шахсни тез ва аниқ идентификациялаш тамойилларини такомиллаштириш, халқаро авиаташишлар сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида жорий этилаётир. Маълумот учун айтиш ўринлики, ҳозирги кунда жаҳоннинг 100 дан ортиқ мамлакатида замонавий ахборот технологиялари ёрдамида тайёрланган биометрик параметрли паспортлар жорий этилган. Шунингдек, биометрик маълумотларга эга паспортлар бошқа давлатларда мамлакат ҳудудида алоҳида ва хорижга чиқиш учун алоҳида шаклда жорий қилинган бўлса, мамлакатимизда муомалага киритилаётган биометрик паспорт улардан фарқли ўлароқ, умуммиллий паспорт деб белгиланди.

Юртбошимизнинг Фармони ижросини таъминлаш юзасидан ҳокимият ва ўзини-ўзи бошқариш идоралари, корхона ва ташкилотлар ҳамда ички ишлар идораларига бир қатор вазифалар юклатилган. 2010 йилдан кечиктирмай, эгаларининг шахсий биометрик параметрлари ва белгиланган маълумотлари ҳақида электрон ахборот жамланган ҳамда юқори ҳимоя даражасига эга фуқаро паспортларининг жорий этилишини таъминлаш, биометрик паспортларни марказлашган ҳолда тайёрлаш ва уларнинг ҳисобини самарали юритиш, фуқароларни мазкур паспортлар билан босқичма-босқич таъминлашга эришиш каби вазифалар белгиланди. Уларни амалга ошириш учун вилоят ички ишлар бошқармаси кенг қамровли тадбирлар режасини ишлаб чиқди. Унга асосан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлинмаси, хорижга чиқиш-келиш ва фуқароларни расмийлаштириш бошқармаси ҳамда бошқа хизматлар вакиллари ҳамкорликда аҳолининг барча қатламларига Фармон моҳиятини тушунтиришга оид тарғибот ишларига алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

Чунончи, Тошкент тумани ҳокимиятида ўтган давра суҳбати шу масалаларга қаратилиб, ички ишлар идоралари бу борада амалга ошираётган ишлар хусусида гапирилди. Аҳолига биометрик параметрли паспортнинг афзалликлари, паспортларни алмаштириш муддатлари ва тартиб-қоидаларини тушунтириш муҳимлиги таъкидланди.

Давра суҳбати қатнашчилари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ўзларини қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб олишди.

**Хуршид РЎЗИЕВ.**

*Сайловлар арафасида*

**Вилоят ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича концепция"да белгиланган вазифалар муҳокамасига бағишланган семинар-йиғилиш бўлиб ўтди. Уни вилоят сайлов комиссияси раиси Суяр Қурбонқулов олиб борди.**

## КАТТА ТАДБИРГА МУНОСИБ ҲОЗИРЛИК

Семинарда шаҳар ва туман ҳокимликлари ташкилий-назорат гуруҳлари раҳбарлари, ҳудудий сайлов комиссиялари раислари ва масъул котиблари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси, сиёсий партиялар, "Маҳалла" хайрия жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг вилоят бўлимлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Семинар-йиғилишда сўз олган республика Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари Қўчқор Тоғаев Марказий сайлов комиссияси томонидан шу йил декабрь ойида бўлиб ўтадиган республика Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик бўйича босқичма-босқич амалга оширилиши лозим бўлган сайловолди тадбирлар режаси тасдиқлангани, шу йўналишда кўламли ҳаракатлар олиб борилаётганини таъкидлади. Хусусан, мамлакатимизда сиёсий, давлат ва ҳуқуқий тизимнинг изчиллик билан модернизация қилиниши натижасида энг юксак демократик талабларга жавоб берадиган сайлов тизими яратилди. Сайловларнинг умумэътироф этилган халқаро норма ва принципларга мос келадиган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосланган самарали қонунчилик, меъёрий-ҳуқуқий базаси шакллантирилди.

Семинар-йиғилишда бўлажак сайловлар сайлов қонунчилигига киритилган ва мазкур тизимни янада эркинлаштириш ва демократлаштиришни таъминлаган ўзгартиш ҳамда қўшимчалар ҳисобга олинган ҳолда ўтказилиши алоҳида қайд этилди.

Шунингдек, семинарда вилоятда сайловолди тайёргарлик ишларининг бориши қизғин муҳокама қилиниб, бу борада навбатдаги вазифалар белгилаб олинди.



СУРАТДА: семинар-йиғилиш қатнашчилари сайловларга бағишлаб чоп этилган янги адабиётлар билан танишмоқдалар.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

*Қарор ва ижро*

## ЖАРИМА БИЛАН ИШ БИТМАЙДИ

**"Оҳангароншифер" очиқ ҳиссадорлик жамияти раиси Исмоил Исматов эрталаб иш кабинетига киргач, тинимсиз жиринглаётган телефон гўшагини шошиб кўтарди.**

– Корхонангиз нуфузли танловди бир эмас, иккита номинация бўйича ғолиб чиқди, табриклайман, – самимий тилак билдирди "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Александр Фармонов. – Келажакда бундан-да катта ютуқларга эришинг.

– Раҳмат, Александр Қосимович, – кўнгли тоғдек кўтарилди раиснинг, – бу ютуқ бутун жамоаники. Шу муносабат билан эртага ишчилар ошхонасида дастурхон ёзаямиз. Вақт топиб келинг, азиз меҳмонимиз бўласиз.

Дарҳақиқат, республикамизда тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш, рақобатни кучайтириш, экспорт салоҳиятини ошириш, истеъмол бозорини меъёрий ҳужжатларга мувофиқ зарур маҳсулотлар билан тўлдириш мақсадида вилоят ҳокимининг "Тошкент вилоятининг энг яхши маҳсулоти" кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида"ги фармойишига биноан ташкил этилган танловда "Оҳангароншифер" очиқ ҳиссадорлик жамияти "Тошкент вилоятининг энг яхши маҳсулоти" ва "Тошкент вилоятининг энг яхши ишлаб чиқарувчиси" номинациялари бўйича биринчи ўринни олди.

– Бу бежиз эмас, – дейди "Ўзстандарт" агентлигининг вилоят стандартлаштириш ва метрология бошқармаси бошлиғи Абдумўмин Имомалиев. – Шу йилнинг март ойида танловда иштирок этиш истагини билдирган 68 та хўжалик юритувчи ва тадбиркорлик субъектларидан тасдиқланган саволномага биноан тўлиқ ҳужжатларга эга 23 таси танловда қатнашди.

(Давоми 2-бетда).

## ЯНГИ КОЛЛЕЖЛАР

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида таълим тизимига қаратилаётган эътибор ҳамда соҳани тубдан ислоҳ қилиш мақсадида қабул қилинган қатор ҳужжатлар ўз самарасини бермоқда.**

Тошкент вилоятида "Таълим тўғрисида"ги қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижроси изчиллик билан амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўртачирчиқ туманида бу йил иккита - "Янги турмуш" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида 435 ўринли педагогика, "Навоий" қишлоқ фуқаролар йиғинида 435 ўринли ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежлари қурилиб битказилмоқда.

Коллежларни Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллик байрами арафасида фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда. Айни пайтга қадар уч қаватли ўқув биноси, ошхона, кутубхона, мажлислар ва спорт заллари, ўқув-лаборатория бинолари қурилиши тугалланди.

– Юртбошимизнинг таълим соҳасига қаратаётган улкан эътибори, фарзандларимизга кўрсатаётган ғамхўрлиги туфайли мана шундай муҳташам таълим даргоҳлари бунёд этилмоқда, – дейди "Бинокор-қурилиш-таъминот" хусусий қурилиш корхонаси ишчиси Жуманазар Худойберганов. – Биз, бинокорлар ҳам таълим соҳаси ғоят муҳим эканини яхши англаймиз. Шу боис сидқидилдан меҳнат қилдик. Ўғил-қизларимизнинг порлоқ келажагини таъминлашга ҳисса қўшаётганимиздан мамнунмиз.

**Л. СУВОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## УЛАР ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАС

**Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларини таътил вақтларини мароқли ўтказиш мақсадида "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси соғломлаштириш оромгоҳларини ташкил этмоқда.**

Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда 60 нафар кам таъминланган оила фарзандлари учун Бўстонлиқ туманидаги "Кимёгар" болалар оромгоҳи ташкил этилди. Кеча бўлиб ўтган очилиш маросимида қатор ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

– Мазкур лойиҳани ўтказишдан мақсад кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ёзги таътилини мазмунли ва қизиқарли ташкил этишдир, – деди "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими раиси Гулсанам Ваҳобова. – Лойиҳанинг самараси шундаки, ҳордиқ чиқарган болаларнинг вазнлари 2 килограммгача ортган.

Болажонларнинг кўнгилли дам олишлари учун оромгоҳда турли маънавий-маърифий, маданий ва спорт тадбирлари, давра суҳбатлари ҳамда интеллектуал ўйинлар ўтказилади.

Шунингдек, дам олувчиларга соғлом турмуш тарзи, гигиена қоидалари ва саломатлик сирларини ўргатиш мақсадида "Соғлом авлод – келажак пойдевори" мавзусида учрашув, суҳбат ва маърузалар, фавқулодда ҳодисаларда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида "Саломатликнинг ёш дўстлари" мусобақаларини ўтказиш кўзда тутилган. Албатта, бу тадбирлар жараёнига малакали педагог-тарбиячилар ҳамда етакчилар бириктирилган.

Болажонлар оромгоҳда 21 августгача ҳордиқ чиқаришади.

**Хуршида НАЗАРОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

*Қарор ва ижро*

# ЖАРИМА БИЛАН ИШ БИТМАЙДИ

Тадбирда "Тўхтаниёз ота" хусусий фирмаси "Тошкент вилоятининг энг яхши маҳсулоти" номинацияси бўйича иккинчи, маҳаллий хом ашёдан полипропилен тайёрлайдиган "PVRE LIFE" масъулияти чекланган жамият учинчи, "Тошкент вилоятининг энг яхши ишлаб чиқарувчиси" номинациясида "Саноатқалинкоғозсавдо" очиқ акциядорлик жамияти иккинчи, "Сарбон савдо хизмати" масъулияти чекланган жамият учинчи, "Тошкент вилоятининг энг яхши хизмат кўрсатувчиси" сифатида "Олтин олма" пансионати биринчи, "Камола – ФФ" дорихонаси иккинчи, тиббий хизматга ихтисослашган "Доктор Шамс-Нур" хусусий корхонаси учинчи ўринларни олишди.

Бугунги кунда бошқарма томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Стандартлаштириш тўғрисида", "Метрология тўғрисида", "Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида", "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ижроси юзасидан муайян ишлар қилинмоқда. Бўка туманидаги "Истиқлол" бозорида, "Кўк терак" ҳамда "Тошкент Глобал" масъулияти чекланган жамиятларида қолипли нон сифати бўйича тушунтириш ишлари олиб борилди. Вилоятнинг 20 та деҳқон бозорида тош-тарозиларни тўғри қўллаш, уларга тегишли озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатини назорат қилувчи ветеринария-санитария лабораторияларининг ҳолатини яхшилашда стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш масалалари бўйича амалга оширилган ишлар шулар жумласидандир.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг "Экспорт имкониятларини ривожлантиришнинг давлат дастури тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлашга қаратилган вазифалар мисолида айтиш жоизки, йилнинг ўтган 6 ойи давомида "Know-How in Protuction Process", "Navruz International" қўшма корхоналари, "Оҳангаронцемент", "Бекободцемент", "Аммофос", "Максам-Чирчиқ" очиқ акциядорлик жамиятлари томонидан маҳсулотлар давлат шартномаларига асосан экспорт қилинди.

Ўтказилган текширишлар натижасига кўра 21 та хўжалик юритувчи субъектда қонун талабларининг бузилганлиги аниқланди. Жумладан, "Бўстонлиқ-сут" қўшма корхонасида сут маҳсулотлари меъёрий ҳужжат талабларига жавоб беради, лекин мавжуд 150 дона ўлчаш воситаларидан 27 таси, яъни 17 фоизи давлат қиёслаш кўригидан ўтказилмаганлиги таажжубланарлидир. Мазкур ҳолат юзасидан мутасаддиларга маъмурий жарима қўлланди. Шунингдек, "Know-How in Production Process" қўшма корхонаси ҳам, афсуски, шу сингари камчиликлардан холи эмас. Натижада 2 та хўжалик субъекти жами 80981,295 минг сўм, 26 мансабдор шахс эса жами 1402 минг сўм миқдорда жаримага тортилди.

Жойларда олиб борилаётган профилактика ишлари турли қонунбузишларнинг олдини олишга хизмат қилиши шубҳасиз. Бу ҳақда А. Имомалиев шундай дейди:

– Мақсад қонун ҳужжатларига риоя этиш юзасидан жойларда текшириш ўтказиш ёхуд айбдорга нисбатан жарима қўллаш эмас, балки юқоридаги ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган тарғибот ишларини кучайтиришдир.

Ўтган йили 78 та ишлаб чиқариш ҳамда савдо билан шуғулланувчи тадбиркорлик, 116 та давлат назорати ўтказилган хўжалик юритувчи субъектларида тушунтириш ишлари олиб борилди ва жойларда семинарлар, очиқ мулоқотлар ўтказилди. Бундан ташқари экологияни яхшилаш, моддий бойликларни асраш сингари қатор йўналишларда ахборот воситалари, шунингдек, кўргазмали рекламалардан фойдаланяпмиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, тайёр гўшт-сут маҳсулотларининг сифати устидан тизимли назорат ўтказиш тартиби асосида Низом ишлаб чиқилди. У тайёр гўшт-сут маҳсулотларининг сифати, яъни озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмолга яроқлилигини санитария нормаларига мослиги устидан жиддий назорат ўтказишга кўмаклашади.

Вилоятда қолипли нон ишлаб чиқариш, ушбу мақсадлар учун ажратилган ун ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ўсимлик ёғи ва унни аҳолига мақбул нархларда етказиб беришнинг аҳволини ўрганиш борасида вилоят давлат санитария-эпидемиология назорат маркази, солиқ бошқармаси, "Тошвилоятматлуботинвест" шўъба корхонаси, вилоят иқтисодиёт бош бошқармаси ва бошқа тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда туман ҳамда шаҳарлардаги савдо шохобчаларида, шунингдек, қолипли нон ишлаб чиқарувчи корхоналарда, деҳқон бозорларида белгиланган тартибда муайян ишлар олиб борилаяпти.

Ишлаб чиқарилаётган нон маҳсулотларининг стандарт талабларига мослиги, савдо шохобчаларида узлуксиз сотилиши ҳамда нарх-навони ўрганиш юзасидан мониторинглар ўтказилди. Шу жараёнда аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида вилоят ҳокимлиги, солиқ, монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармалари ва тегишли идораларга тақдимнома киритилди.

Айни вақтда мамлакатимизда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида кўламли ишлар қилинмоқда. Айниқса, қишлоқларда саноат ишлаб чиқариши ҳамда қурилишни жадал ривожлантириш, мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган ихчам корхоналарнинг кенг тармоғини ташкил этиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, шу асосда қишлоқ аҳолисини, энг аввало, ёшларнинг иш билан банд бўлиши, даромад ошиши ва фаровонликнинг таъминланишига эътибор кучайган. Шундан ҳам маълум, бугун қишлоқларимиз ўзига хос ўзгаришлар, бунёдкорлик ҳаракатлари билан шаҳар кўринишини касб этаётган экан, ички ва ташқи бозорда рақобатлаша оладиган "Оҳангароншифер" очиқ ҳиссадорлик жамияти ёхуд "Тўхтаниёз ота" хусусий фирмаларидаги каби қишлоқ саноатида ҳам сифатли маҳсулотлар етиштирилиши шубҳасиз.

**Мунаввара ИСОҚУЛОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).



Халқимиз ниҳоятда бағрикенг, саховатли, меҳр-оқибатли. Буни тасдиқловчи воқеа-ҳодисалар ҳаётимизда оз эмас. Жумладан, куни кеча бизнинг Қорақирда ҳам шундай меҳр-мурувват акцияси уюштирилди. "Гулчеҳра" фермер хўжалиги раҳбари Гулчеҳра Пўлатова ногиронлар ва кам таъминланган оила аъзоларидан 20 кишига бир қопдан буғдой тарқатди.

**Ҳамида ҚОРАБОЕВА,**
**Оҳангарон тумани ижтимоий таъминот бўлими ходими.**

**СУРАТДА:** капсан тарқатиш пайти.

**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

# ОБОДЛИКДА ИБРАТ

"Экосан" халқаро фонди томонидан Тошкентда "Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш соҳасидаги энг ибратли жамоа", "Энг намунали кўп қаватли уй", "Энг обод ҳовли (майдон)", "Энг намунали подъезд (йўлак)", "Махсустранс" унитар корхонасининг энг яхши экипажи", "Энг намунали маданият ва истироҳат боғи" кўрик-танловлари ўтказилиб, барча йўналишлар бўйича ғолиблар аниқланди ва тегишли мукофотлар топширилди.

Энди республикамизнинг барча вилоятларида Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан "Обод қилган – обод бўлади" шиори остида ўтказиладиган "Энг намунали қишлоқ ҳовлиси" танловига тайёргарлик бошлаб юборилди.

**Ўз мухбиримиз.**

*Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига*

**Ҳадемай мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллиги ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги кенг нишонланади. Бугун пойтахт кўчаларини айланган киши улкан бунёдкорлик, қурилиш ва ободонлаштириш ишларининг гувоҳи бўлади. Айниқса, Амир Темур хиёбони ёнида қад ростлаётган муҳташам маросимлар уйини ҳақиқий мўъжизага қиёслаш мумкин. Унинг салобати ҳар қандай кишини ҳайратга солади.**

# ЕТТИ ИҚЛИМДА МАШҲУР

Дунёнинг айрим давлатлари жаҳон иқтисодий инқирози туфайли таназзулга юз тутган бир даврда бундай улкан иншоотни бунёд этиш катта гап.

– Тошкент шаҳрининг қадимий тарихи вилоятимизнинг узоқ-яқин туманлари билан узвий ва чамбарчас боғлиқдир, – дейди "Олтин мерос" жамғармасининг вилоят бўлими раҳбари Зарифа Эшмирзаева. – Агар ўрта асрларни оладиган бўлсак, вилоят ҳудудида Шош – Илоқ давлати бўлган. Шу катта ҳудудда X-XII асрларда 50 га яқин шаҳарлар бўлган. Чирчиқ ва Оҳангарон ҳавзаси орасида Сансорак, Арлакент, Шудеркент, Банокент шаҳарлари машҳур бўлганлиги тарихдан маълум. Шарқ географлари Ал-Истахрий, Ал-Муқаддасий, Ибн Ховкал каби олимлар ўз асарларида бу шаҳарлар ҳақида алоҳида тўхталганлар. Ўзимизда етишиб чиққан олим Абдураззоқ Самарқандий ҳам Банокент ҳақида гапириб, – бутун Шошда бундай шаҳар йўқ, деб таърифлаган. Ўша даврда Шошнинг ҳудуди 200 километрга чўзилиб, бир томони Оҳангарон, бир томони Оққўрғон, яна бир томони Бўстонлиққача етган. Мана шу йўналишларнинг ҳаммаси Шош воҳасини ташкил этган.

Бу борада биз биринчи галда Қанқа, Банокент шаҳарларини тилга оламиз. Қадимий Банокент X-XII асрларда мавжуд бўлиб, иккинчи пойтахт ҳисобланган. Шаҳар ҳозирги Оққўрғон туманида жойлашган. Унинг таърифи етти иқлимга кетган. Бутун Шарқда банокентликлар ўз газламалари, кулолчилик санъатлари билан машҳур бўлган. Банокент шундай буюк шаҳар эдики, қорахонийлар давлати учун тангалар зарб этилган. Шаҳарда машҳур табиблар, олимлар, шоирлар етишиб чиққан. 1219 йил Чингизхон лашкарлари Мовароуннаҳрга юриш қилиб, бирин-кетин шаҳарларни мағлуб этади. Банокентликларнинг душманга қарши жангда кўрсатган жасоратлари қадимий қўлёзмаларда акс эттирилган. Ниҳоят, 6 ойлик жанглардан сўнг шаҳар забт этилади.

Бир ярим аср давомида шаҳар вайрона ҳолатда қолиб кетган. Ниҳоят, соҳибқирон Амир Темур Сирдарё бўйида ушбу шаҳарни қайтадан бунёд этиб, гўзал бир масканга айлантиради. Унинг номини Шоҳруҳия деб атади. Қадимда Мовароуннахрда шундай ибора бўлган "Шоҳруҳияга эгалик қилмоқ Мовароуннаҳрга эгалик қилмоқдир". Чунки Мовароуннаҳрни Зарафшон водийси билан Самарқандни Шош билан Сирдарё боғлаб турган. Сирдарё бўйида қад ростлаган Шоҳруҳия катта нуфузга эга бўлган. Шу боис қадимда Шоҳруҳияга қарши жанглар уюштирилган. Шоҳруҳия Шошнинг ажралмас бир бўлаги эди.

"Олтин мерос" жамғармаси томонидан қадим Тошкент билан боғлиқ қадамжолар ҳамда зиёратгоҳларга илмий экспедициялар уюштирилиб тадқиқ этилаётир. Бугун вилоятимиздаги "Уват ота", "Шоҳиабдумалик", "Зангиота" каби зиёратгоҳлар Тошкентнинг дарвозаси бўлиб келганига шубҳа йўқ. Кўҳна Тошкентнинг қадр-қиммати, обрў-эътибори ана шу зиёратгоҳ, қадамжолар, аждодларимиз барпо этган иморатлар билан янада қадрлидир.

**Жамила ҚОДИРОВА,**
**нотариус.**

*Анжуман*

# СОҒЛОМ БЎЛАЙ ДЕСАНГИЗ...

**Тошкентда Республика ОИТСга қарши кураш маркази ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси ташаббуси билан "Соғлом турмуш тарзи ва Ислом дини" мавзусида семинар бўлиб ўтди.**

Унда давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"-ги, Вазирлар Маҳкамасининг "ОИТСга қарши кураш марказларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари асосида олиб борилаётган ташкилотчилик ишлари ҳақида сўз юритилди.

Машғулотнинг биринчи кунида "ОИВ ва ОИТС", "Аср вабоси", "Исломда оила ва никоҳ муносабатлари" мавзуларидаги маърузалар тингланди. Иштирокчилар асосий эътиборни Исломда оила ва никоҳ муносабатлари, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш масалаларига қаратишди.

Нотиқлар ОИВ ва ОИТС касалликлари нохуш оқибатларга олиб келаётгани ҳақида сўзладилар. Жумладан, ушбу хавфли касаллик бутун дунёда тез тарқалиб кетаётгани, ёшлар орасида унга чалинганлар кўплиги, унинг олдини олиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш чора-тадбирларини янада кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

**Ирода СОЛИҲОВА,**
**Ўзбекистон Миллий университети талабаси.**

# ЙЎЛ ҚУРИЛИШИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

**"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури асосида Тошкент вилоятида ҳам янги йўл ва кўприклар, йўл ўтказгичлар қуриш, мавжудларини таъмирлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.**

"Тошкентавтойўл" ҳудудий йўллардан фойдаланиш давлат ташкилоти директори ўринбосари Адҳам Ҳусановнинг айтишича, айни кунларда вилоятда бу йилги дастурлар режасига киритилган жами 200 километрдан зиёд узунликдаги йўлни қуриш ва қайта қуриш, тўла ва ўрта таъмирлаш ишлари жадал давом этмоқда.

Жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида "Ўзтемирйўлқурилишмонтаж" унитар, Фарғона кўприк хўжалигини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш-фойдаланиш ва "Назарбекавтойўл" давлат корхоналари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан вилоят ҳудудидаги "Гулистон-Оҳангарон" автомобиль йўлининг "Бўка-Сирдарё дарёси-Бахт" йўналишининг 7-25 километрларида, шу йўлнинг "Чиноз-Гулистон" каби йўналишларда йўл пойи ва сунъий иншоотларни қуриш билан боғлиқ ишлар бажарилди.

Тошкент катта ҳалқа йўлининг 63-километридан "Бектемир-Ғазалкент-Чорбоғ" йўлигача бўлган йўналишни, янги Тошкент айланма йўлида Чирчиқ дарёси ва "Тошкент-Ангрен" темир йўли устидан ўтадиган кўприкларни қуриш ишлари изчил давом этмоқда. Мазкур объектлар "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компаниясининг "Кўприк қурилиш тресті"нинг 13 отряди ва Тошкент кўприк хўжалигини сақлаш ихтисослаштирилган таъмирлаш-фойдаланиш давлат корхонасининг йўлсозлари томонидан бунёд этилмоқда.

Юртимиз шаҳар ва қишлоқларини бир-бири билан боғлайдиган маҳаллий, мамлакат ва халқаро аҳамиятга эга қурилиш иншоотларини вақтида, сифатли қурилиш метериаллари, айниқса, мустаҳкам темир-бетон конструкциялар билан таъминланаётгани ишни тез ва талаб даражасида бажариш имконини бермоқда.

Бунда "Ўзавтойўл"нинг пойтахтимиздаги темир-бетон конструкциялари тажриба заводи, "Чинозйўлиндустрия" ишлаб чиқариш бирлашмаси сингари корхоналар жамоаларининг ҳиссаси катта.

Вилоятда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури асосида хўжаликлараро кўплаб автомобиль йўллари таъмирланаётгани ҳайдовчи ва йўловчиларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилмоқда.

**Холмурод САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# СИҲАТГОҲГА ТУҲФА

"Оҳангаронцемент" корхонасининг замонавий санаторий-профилакторийсида корхона ишчи-хизматчиларидан бир неча нафари ҳар йили ўз саломатлигини тиклайди. Айни кунда бу ерда дам олувчилар учун барча қулайликлар муҳайё қилинган. Корхона ишлаб чиққан соғломлаштириш дастури бўйича шифохона туб таъмирдан чиқарилиб, янги тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланди.

**Акбар АЛИЕВ.**

# БЕЛДЕРСОЙДА СПОРТ МУСОБАҚАСИ

**Бўстонлиқдаги "Белдерсой" болалар спорт мажмуасида туман маҳалла болалари ва оромгоҳларда дам олаётган ўқувчилар иштирокида спорт мусобақаси ташкил этилди.**

Юз нафардан ортиқ болалар қатнашган мусобақа қизғин курашларга бой бўлди. Спортнинг футбол, шахмат-шашка ва стол тенниси турлари бўйича ўтказилган беллашувларда оромгоҳларда дам олаётган ўқувчилар билан бир қаторда спортга қизиқувчан маҳалла болалари ҳам иштирок этишди. Юқори натижаларга эришган ўқувчилар Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

**Азима ҚИЁСОВА,**
**"Туркистон-пресс".**

*Орамиздаги одамлар*




**Шундай инсонлар борки, улар давлатимиз раҳбари орзу қилиб таъкидлаганидек, ҳаёти давомида элим, юртим деб , ўзининг бутун салоҳияти, билим ва тажрибасини унинг ютуқларини кучайтиришга, кундалик муаммоларини бартараф этишга бағишлаб яшайди. Орзулари рўёбга чиққанида қувонади, акс ҳолларда куйиб-ёнади, уни тушунишмаган кезлари азият чекади, гоҳида атрофидагилар билан баъзи зиддиятларга ҳам боради. Лекин қоқилса ҳам, йиқилса ҳам, ўз мақсадларига эришиш учун мудом истиқболга интилаверади.**

# ДАҚИҚАЛАР ШИДДАТИГА БАРДОШ БЕРИШ КЕРАК

Бундай инсонлар атрофимизда кўп. Қалби пок, орзу-интилишлари покиза шундай инсонлар билан ёнма-ён яшаётганлигимизни кўпинча илғамаймиз ҳам. Минг афсуски, ўз гумроҳлигимиз оқибатида уларнинг интилишларини, гоҳи хатти-ҳаракатларини тўла идрок эта олмаймиз, қўллаб-қувватламаймиз. Аксинча, қилдан қийиқ топиб, уларга турли "ёрлиқ"лар ёпиштирамиз, йўлларига тўғоноқ бўламиз. Бундай ҳолларда улар азият чекишади-ю, бироқ, кўнгил тубидаги машъала руҳан "синишлари"га йўл қўймайди, мустақил мамлакатимиз иқболини кўзлаб бошлаган ишни давом эттиришга чорлайди.

Бекобод шаҳрида ҳам шундай инсонлар оз эмас. Улардан бири – "Ўзметкомбинат" акциядорлик-ишлаб чиқариш бирлашмаси "Металлург" спорт клубининг оддий шифокори Мирзабурхон Дўстмуродов. Оғир, вазмин, минг ўйлаб бир сўз айтувчи бу инсон билан суҳбатлашсангиз, ундаги ички сабр-қаноат, маънавий қатъиятга лол қоласиз. Ўз хизмат вазифасига профессионал ёндашув, уни келажакни кўзлаб адо этишга кучли иштиёқ, ўз мақсадини рўёбга чиқариш учун муросасиз курашиш фазилатга айланган бу инсонда зоҳирий бир қудрат шундайгина балқиб туради.

– Мақсадим битта – майдонга соғлом, иродали, матонатли футболчилар чиқса...

Оддий, жўн орзу. Миллий мустақиллик Мирзабурхон Дўстмуродовнинг ижтимоий-тиббий фаолиятини шу йўлга буриб юборди. Ўн икки-ўн уч ёшли спортчилар футбол майдонида ўзларига ишонч ҳосил қилишлари, ортиқча зўриқмай тўп суришлари, ногаҳон шикастланишлардан сақланишлари учун у тинмай изланади.

– Яқинда шаҳримизда ўсмир футболчиларнинг халқаро учрашуви ўтди, – сўзини давом эттиради Дўстмуродов . – Дастлабки турда бизнинг жамоамиз Тожикистон Республикасининг Нов шаҳридан ташриф буюрган "Спитамен" жамоасига қарши майдонга чиқди...

Бутун мусобақа давомида футболчилар шифокори ўйиннинг боришини кузатиб туриб, спорт клубининг мураббийларидан кам ҳаяжонланмаганлиги аниқ. Қизғин тўп суришлар майдон эгаларининг мутлақ фойдасига 5:0 ҳисоби билан якунланганидаги қувончини бир кўрсангиз эди!

Бу ёш футболчилардан ҳар бирининг профессионал жиҳатдан шаклланишига шифокор ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Зеро, футболчи учун тўп суриш санъатини эгаллаш ва соғлом бўлиб ўсиш уйғун бир орзу.

Ўн уч-ўн тўрт ёшли спортчилар ўртасида шу кўклам Самарқандда ўтган 2-халқаро турнирда Сирожиддин Тошпўлатов рақиблар дарвозасини 6 марта забт этиб, "Энг яхши тўпурар" деб эътироф қилинди. Жамоанинг бошқа бир ўйинчиси Азиз Матмусаев "Энг яхши ярим ҳимоячи" деб топилди.

– Шогирдларимнинг бу муваффақиятларида шифокоримиз Мирзабурхон аканинг алоҳида ҳиссалари бор, – дейди "Металлург" спорт клуби мураббийси Илҳом Ҳамзаалиев. – У киши тинмай изланади, ёш футболчилар соғлом ўсишлари хусусида қайғуради, ўйиннинг қайси босқичида жисмоний кучни қандай сарфлашга ўргатади. Керак бўлса, зарур тиббий ёрдам кўрсатади.

Шифокорнинг саъй-ҳаракатлари билан футбол клубида энг янги ускуналар билан жиҳозланган мўъжазгина тиббиёт маркази барпо этилди. Машқлар чоғида ҳам, халқаро ва ўртоқлик учрашувларида ҳам бу жонкуяр киши ёш футболчилар атрофида парвона бўлади, ўйинлар чоғида уларнинг хатти-ҳаракатларини кузатиб, нафас олишларига зеҳн солиб ўтиради. Шу тариқа у ёки бу ўйинчи билан кейин бажариладиган муолажаларни хомчўт қилади.

У – спортчи шифокори. Бу иш ниҳоятда масъулиятли эканлигини, унинг "кўз илғамас" жиҳатлари наинки ёлғиз спортчининг саломатлигига, балки бутун жамоа, мамлакатимиз спорт шаънига путур етказиб қўйиши мумкинлигини Мирзабурхон Дўстмуродов бутун қалби билан ҳис этади ва қандай ҳаракатни лозим деб топса, шуни албатта амалга оширади. Аввало, салоҳиятли ўсмир спортчилардан қимматли маслаҳатларини аямайди, керакли тавсиялар беради. Уларни тез-тез кўрикдан ўтказиб, зарур муолажаларни амалга оширади. Ўсмир ёшларнинг замонавий тайёргарлигини яхшилашга қаратилган амалий мулоҳазаларини айтиб, спорт ташкилотчилари ва мураббийлардан бу масалага жиддий ёндашишни талаб қилади.

Футбол клубидаги кўпйиллик иш тажрибаси, ўйинчилар, мураббийлар, спорт клубининг мутасаддилари билан мулоқотлар, энг муҳими ёш футболчилар шифокори сифатидаги фаолият уни футболнинг чинакам билимдони, жонкуяри ва тарғиботчисига айлантирди. Эндиликда катта-катта йиғинларда ҳам унинг Ўзбекистон футболининг шуҳратини ошириши, болалар футболини ривожлантиришга тўғоноқ бўлаётган масалаларни қандай ҳал қилиш хусусидаги мулоҳазаларини эътибор билан тинглашади.

– Тўғрисўзлик, кўнгилни очиб, ҳақиқатни айтиш, эътиборни мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратиш ҳамиша ҳам тўғри қабул қилинмас экан, – дейди жонкуяр шифокор. – Футболчи гоҳида 90 дақиқалик ўйин шиддатига бардош бера олмай қолади. Икки таймга "нафаси" етмайди. Бунинг сабабларини айтсанг, ўйинлар орасида бундай ҳолатларнинг олдини олиш ҳақида гап очсанг, гоҳи раҳбарларнинг бети буришади.

Шифокорнинг бу мулоҳазаларида асос бор. Сир эмас, ароқхўрлик, кашандалик иллатлари спортчи давраларига ҳам кириб келяпти. Тўғри, онгли, фаҳм-фаросатли, эртанги кунини ўйлайдиган спортчи бу жирканч йўлга қадам қўймайди. Лекин шифокор ҳам бекорга қайғураётгани йўқ. Футбол жамоаларида тиббий хизмат, назорат, қонуний, профилактик ишлар режа асосида пухта олиб борилиши лозим. Ёшларга спиртли ичимликлар истеъмоли, кашандалик, кўр-кўрона ҳою-ҳавас гирдобида яшаш таниқли футболчиларни ҳам ишдан чиқарганлиги, яшил майдонлардан мосуво қилганлигини бот-бот эслатиб туриш керак. Мирзабурхон Дўстмуродов шундай ҳаракат қилади, бу йўлда асло муросасозликка бормайди, ўз фикрини очиқ-ойдин айтиб, уни амалга оширишга интилади. Мураббийлар, спортчилар уни мана шу оталарча ғамхўрлиги учун ҳурмат қилишади.

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

